БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 251 (19.027). • Чоршанба, 31 октябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

# ПАРТИЯ ВЕТЕРАНИ

Давр ва кураш суронлари нуроний чеҳрасида ўчмас излар қолдирган Йўлдош Бобожоновни бугун ҳам саноат корхоналарида, қурилиш участкаларида, ўқув юртларида тез-тез учратиш мумкин. Кекса коммунистнинг мамлакатимизда социалистик қурилиш жараёнида амалга оширилган ишлар, янги ҳаёт учун фидокорона курашган инқилоб чавандозлари ҳақидаги ҳикоялари ҳамиша қалбларда ҳаяжон уйғотади.

Қовунчи яқинидаги қишлоқда туғилиб, жуда ёшлигидаёқ бойлар эшигида қароллик қила бошлаган Йўлдош Бобожоновнинг синфий онги темир йўл, пахта заводи ишчилари билан мулоқотларда ўткирлашди. Камбағаллар комитети ва қишлоқ Шўросида ишлаб, янги ҳаёт учун курашда чиниқди. Кейинчалик у йирик-йирик партия ташкилотларига етакчилик қилди, Октябрь ғояларини ленинча жонкуярлик билан амалга оширди. Ҳаёт илгари сураётган вазифаларни вақтида илғаб олиш ва уларга ҳозиржавоблик, партия қарорларини амалга ошириш учун курашда изчиллик, шахсий ҳаётда камтарлик ва ижтимоий бурчни адо этишда принципиаллик коммунистга катта ҳурмат, иззат-икром келтирди.

Ўзининг бутун умрини, қалб қўрини, навқирон йиллардаги шижоатини социалистик қурилишга бағишлаган бундай отахон коммунистлар оз эмас. Ёлғиз Тошкент шаҳридагина Ленин партиясининг кекса авлодига мансуб 1200 дан ортиқ коммунист ҳануз катта жамоат ишини олиб бормоқда. Улар ёшларда она-Ватанга муҳаббат, улуғ Ленин ишига садоқат фазилатларини тарбиялашда партия ташкилотларига катта ёрдам кўрсатишмоқда. Кўксида «Партия сафида 50 йил» нишонлари порлаб турган Р. Шокирбеков, О. Обидов, Р. Бойжонов, Ғ. Соипов, Ч. Иброҳимова сингари отахонларимиз ва онахонларимизнинг ибратли ҳаёти, жўшқин фаолияти биз учун ажойиб намунадир.

Кекса коммунистлар ҳамиша янги ҳаёт учун курашнинг олдинги сафида бордилар, ўзларининг оташин сўзлари, жонбозликлари билан оммани социалистик ва коммунистик қурилишда янги-янги довонларни эгаллашга руҳлантирдилар. Мақсад йўлидаги қатъият, партия илгари сурган вазифаларни амалга оширишда фидокорлик, камчиликларга муросасизлик ва уларни бартараф этишда ленинча тадбиркорлик кекса авлоднинг ажойиб фазилатлари бўлди.

Партия ветеранлари ҳамон ўзларининг бой тажрибалари, билимлари билан коммунистик қурилиш ишига хизмат қилмоқдалар. Улар корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда самарали меҳнат қилиб, гражданлик бурчини, партиявий бурчни бажариш, улуғ Ленин идеалларига садоқат билан хизмат қилиш намунасини кўрсатаётирлар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини тантанали нишонлаш учун умумхалқ ҳаракати қизғин тус олган шу кунларда партия ветеранлари меҳнат коллективларида, истиқомат жойларидаги учрашувларда қардош халқлар даврасида тенг ҳур Ўзбекистон қисқа муддатда босиб ўтган тарих билмас юксалиш йўли ҳақида ҳикоя қилиб бермоқдалар. Октябрь кунларида қўлига қурол олган, Гражданлар ва Улуғ Ватан уруши фронтларида она-Ватанимиз душманларига қарши мардона жанг қилган, халқ хўжалиги ва маданиятни тараққий эттиришга салмоқли ҳисса қўшган бу кишиларнинг сўзлари мағрур ва ифтихор билан жаранглаётир.

Партия ветеранлари социалистик интизом ва тартибни мустаҳкамлаш учун курашда ленинча эҳтирос билан фаол қатнашмоқдалар. Улар бошқарувни такомиллаштиришда, кадрларни тарбиялашда партия комитетларига амалий ёрдам кўрсатаётирлар. КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари кўрсатмаларини амалга оширишда кун сайин иштирок этиш уларга куч-ғайрат бағишламоқда. «Совет турмуш тарзига ёт иллатлар — текинхўрлик, юлғичлик, ландавурлик, дабдабабозлик, партия ва халқ ишончини суиистеъмол қилиш, мансабпарастлик кўринишларига қарши курашни янада кучайтиришимиз керак, — деб ёзади партия ветерани Марьям Исломова. — Бундай иллатларга орамизда мутлақо ўрин бўлмасин».

Мамлакатимизда Октябрь қуёшини чақнатган, жамиятни социалистик асосда қайта қуриш учун курашнинг тамал тошини қўйган ва бу курашда фидокорлик кўрсатган кекса авлод ғоят иззат-икром ва ҳурмат билан қуршаб олиниши лозим. Партия ва комсомол комитетлари, совет ва хўжалик органлари ветеранларининг куч-ғайратидан, бой ҳаётий тажрибасидан, касб-маҳоратидан, одамлар билан ишлаш малакасидан ёш авлодни тарбиялашда актив фойдаланмоқлари, уларнинг юксак маънавий фазилатларини йигит-қизларга чуқур



Суратда: партия ветерани Й. БОБОЖОНОВ.

сингдириш учун кун сайин муттасил иш олиб бормоқлари даркор.

Қабул қилинган қарорлар, план ва мажбуриятларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилишда, сўз билан ишнинг узвий бирлигини таъминлашда партия ветеранларининг актив иштирокига эришмоқ — муваффақиятнинг муҳим омилидир. Уларнинг одамлар билан ошкора фикрлашиш, етилган муаммоларни принципиаллик билан рўй-рост тилга олиш фазилатини ҳар бир партия ва совет ходими, ҳар бир раҳбар мукаммал эгаллаб олиши керак. Меҳнаткашларнинг сиёсий маданиятини ошириш, уларда юксак ижтимоий онглиликни ва актив ҳаётий позицияни камолга етказишда ҳам кекса гвардия орттирган тажриба бетакрор мактабдир.

Саноат корхоналарида, ташкилот ва муассасаларда, ётоқхоналарда, маҳаллаларда партия ветеранлари иштирокида турли кечалар, учрашувлар ўтказиш лозим. Бу тадбирларда республикамиз совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган жуда катта тараққиёт йўлини муфассал ва кенг ёритиб бериш, бунда кекса коммунистларнинг, дастлабки беш йилликлар қаҳрамонларининг, Улуғ Ватан уруши жангоҳларида жасорат кўрсатган эл фарзандларининг шонли ишларига оид воқеалар, бадиий асарлар, кинофильмлар ва ҳужжатли-хроникал лենталардан ўринли фойдаланиш ғоятда муҳимдир.

Партия ветренларининг ибратли ҳаёт йўлини пропаганда қилишда идеология муассасалари катта ва қизиқарли тадбирларни амалга оширишга даъват этилгандирлар. Клублар, маданият саройларида тантанали кечалар ўтказиш, уларга ёшларнинг кенг қатламини жалб этиш зарур. Кекса авлоднинг фидокорона меҳнати ва кураш йўли кинолекторийларда, партия сиёсий маорифи системасидаги ўқувларда актив пропаганда қилишга моликдир. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини нишонлаш муносабати билан инқилоб чавандозлари, Ленин партияси шонли жангчиларининг ёрқин образи яратилган бадиий фильмлар ҳафталиклари ўтказаётган, ўз репертуаридан мамлакатимизнинг шонли ўтмиши ҳақида ҳикоя қилувчи спектаклларга кенг ўрин бераётган кинотеатрлар ва театрларимиз ижодий коллективларининг иши диққатга сазовор.

Маълумки, мамлакатимизда кексалик умумхалқ эътибори ва ғамхўрлиги билан қуршаб олинган. Биз бу ишни янада кучайтиришимиз лозим. Шуни асло унутмаслик керакки, умрини синфий жанг тўфонларида ўтказган, ўзи оч-юпун ҳолида халқимиз фаровонлигини кўзлаб кеча-кундуз меҳнат қилган, кези келганда ҳаётини, жони ва қонини ҳам аямаган кишилар бугун ана шундай умумхалқ иззат-икромига ва ғамхўрлигига лойиқдирлар.

Мамлакатимизнинг социал-иқтисодий тараққиёти шитоб билан олға бормоқда. «Биз, — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко Умумармия комсомолининг анжуманида сўзлаган нутқида, — революционерларнинг принципига мувофиқ яшаймиз. Биз янги жамият учун курашчиларни: «Орзу қилмоқ керак!» — деб даъват этган ленинча васият принципига биноан яшаймиз... Ватанимизнинг коммунистик келажаги тўғрисидаги орзу совет халқининг ақлида, дилида ва ишларида яшаб келмоқда. Биз бу орзуни ҳеч қачон тарк этмадик ва ҳеч қачон тарк этмаймиз». Кекса ва навқирон авлодларнинг кураши, меҳнати ва ижтимоий фаолиятида замонлар шу тариқа бир-бирига пайваста бўлиб кетмоқда. Ҳар бир авлод зиммасига Ленин партиясининг бош йўли — мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда фаол қатнашишдан иборат муштарак ишдан бир қисми тушмоқда. Бу курашнинг яхлит ва ажралмас ўзаги — коммунизм қуриш илми ва тажрибасини бойита бориб, уни муносиб давом эттириш Ленин васиятига, Октябрь ғояларига, кекса авлод ишига садоқат намунаси бўлиб қолаверади.

## „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона | 1,00 | 95,52 | 0,07 | 16,54 |
| Тошкент | 1,02 | 93,40 | 0,62 | 77,98 |
| Наманган | 1,00 | 90,63 | 0,65 | 52,89 |
| Андижон | 0,90 | 86,41 | 0,30 | 35,84 |
| Хоразм | 1,10 | 81,85 | 0,36 | 27,12 |
| Сурхондарё | 0,88 | 81,61 | 0,22 | 57,52 |
| Сирдарё | 1,52 | 80,44 | 0,93 | 73,09 |
| ҚҚАССР | 1,27 | 68,81 | 0,99 | 43,15 |
| Самарқанд | 1,07 | 67,74 | 0,52 | 21,92 |
| Жиззах | 0,93 | 61,10 | 0,33 | 48,42 |
| Бухоро | 0,52 | 59,40 | — | 6,14 |
| Навоий | 0,89 | 57,28 | 0,51 | 15,68 |
| Қашқадарё | 0,71 | 44,62 | 0,47 | 14,60 |
| Республика бўйича: | 0,97 | 75,16 | 0,46 | 38,82 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта: | | | | |
| Сурхондарё | 1,31 | 100,99 | 0,35 | 104,00 |
| Наманган | 0,70 | 83,50 | — | — |
| Навоий | 1,19 | 58,55 | — | — |
| Қашқадарё | 1,39 | 53,55 | 1,33 | 27,14 |
| Бухоро | 0,91 | 51,92 | — | — |
| Республика бўйича: | 1,30 | 81,62 | 0,66 | 64,06 |

## ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:**

**Комсомолобод райони** — район партия комитетининг секретари И. Дадахонов, район ижроия комитетининг раиси Я. Мўминов, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси М. Мирзамаҳмудов, райсельхозтехника бошқарувчиси К. Исоқов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи И. Ҳусанов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси М. Тўхтасинов, район комсомол комитетининг секретари А. Холқулов.

**Ўзбекистон райони** — район партия комитетининг секретари А. Пайғамов, район ижроия комитетининг раиси Н. Раҳимов, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Т. Ҳамроқулов, райсельхозтехника бошқарувчиси А. Содиқов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Бобоев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Д. Ҳакимов, район комсомол комитетининг секретари А. Асқаров.

# СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ерларни мелиорациялаш ва мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000-йилга мўлжалланган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида маъқулланган Узоқ муддатли программасига мувофиқ СССР Министрлар Совети қуйидаги қарорларни қабул қилди.

**«КОЛХОЗЛАРДА, СОВХОЗЛАРДА ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА МЕЛИОРАЦИЯ ҚИЛИНГАН ЕРЛАРДАН ЮКСАК САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»**

Колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида мелиорация қилинган ерлардан фойдаланишни яхшилаш, улардан юқори ҳосил олиш, давлатнинг ерларни мелиорациялашга сарфлаётган капитал маблағи ўрни қопланишини жадаллаштириш мақсадида ҳамда мелиорация қилинган ерлардан юксак даражада самарали фойдаланилиши учун мулкий масъулиятни ошириш мақсадида қарорда мелиорация қилинган ерлардан дон, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш учун фойдаланиш хўжаликларнинг ўзларига ишлаб чиқариш хизмати кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан тузадиган шартномалари асосида олиб борилиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига ва СССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқариш техника таъминоти давлат комитетига колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида мелиорация қилинган ерлардан юксак самарали фойдаланиш учун типовой шартнома ишлаб чиқиб, уни СССР Молия Министрлиги ва СССР Юстиция министрлиги билан келишиб тасдиқлаш топширилди.

Мелиорация қилинган ерлардан юксак самарали фойдаланиш тўғрисидаги шартнома район агросаноат бирлашмасида рўйхатдан ўтказилиши кўзда тутилади.

СССР Министрлар Совети СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқариш техника таъминоти давлат комитети, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, область ижроия комитетлари ҳамда район агросаноат бирлашмалари зиммасига:

(Давоми учинчи бетда).

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Наманган область Поп райони почта бўлимининг ходимаси Н. У. Григорьева ноннинг сифати ёмонлиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ариза билан мурожаат қилди.

Шу нарса аниқландики, матлубот кооперацияси Поп ғалла маҳсулотлари комбинати раҳбарларининг беғамлиги ва жиноий бепарволиги натижасида нон сифатсиз ундан, ишлаб чиқариш технологиясининг асосий қоидаларини бузган ҳолда ва хом ашё ҳамда тайёр маҳсулотнинг сифатини лабораторияда контроллик қилмай ёпилган. Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги Поп ғалла маҳсулотлари комбинатининг раҳбарлари ўз хизмат бурчига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлганлар, бу ерда сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилишлари сабабли ун ва бошқа маҳсулотлар яроқсиз бўлиб қолишига йўл қўйилмоқда.

Текшириш Наманган областининг бошқа ғалла қабул қилиш ва нон ёпиш корхоналарида ҳам санитария талаблари қўпол равишда бузилаётганлигини кўрсатди. Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинларида ғалла маҳсулотларини сақлаш санитария режимига риоя этилмаяпти. Бу ерда нон ва нон-булка маҳсулотлари савдоси етарли даражада ташкил этилмаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги ва Савдо министрлигининг, шунингдек Ўзбекбирлашув правлениесининг раҳбарларини аҳолини яхши сифатли ғалла маҳсулотлари билан таъминланиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида қатъий огоҳлантирди, шу тармоқларнинг барча корхоналаридаги камчиликларни дарҳол бартараф этишни ва тегишли тартиб ўрнатишни талаб қилди. Унинг бузилишида ва сифатсиз ғалла маҳсулотлари тайёрлаб чиқаришда айбдор бўлган ходимларнинг ишларини тергов органларига топшириш таклиф қилинди.

Нон ресурсларини сақлаш, улардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш умумхалқ иши эканлиги ҳамда бу ишлар партия, совет, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг зўр эътибори ва назорати остида бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

## ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Жазоир революциясининг 30 йиллигини нишонламоқдалар. ЖХДР миллий байрами шарафига 29 октябрь куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон пойтахтининг олий ўқув юртларида таълим олаётган жазоирлик студентлар қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар дўст Жазоир халқига янги ҳаёт қуришда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

# РЕСПУБЛИКА ПАХТАКОРЛАРИ ЮБИЛЕЙ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

## МАТБУОТ МАРКАЗИ хабар қилади

### УЧ РАЙОН РАПОРТИ

● ХОРАЗМ. Гурлан райони пахтакорлари давлатга пахта сотиш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 33780 тоннадан кўп «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 39,1 центнерни ташкил этди. Деярли бутун ҳосил юқори сортга қабул қилинди.

Гурланлик заршунослар ялпи хирмонни 40 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

● ФАРҒОНА. Ёзёвон райони дала меҳнатчилари ҳам зафар маррасини эгалладилар. Она-Ватанга 32900 тонна пахта етказиб берилди. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг 85 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан район пахтакорлари юбилей йили хирмонини 40 минг тоннага етказишга сўз бердилар.

● СУРХОНДАРЁ. Ленин йўли райони пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга ингичка толали пахта сотиш бўйича беш йиллик план муддатидан илгари адо этилди. Район пахтакорлари она-Ватан хирмонига 190 минг тонна ипак пахта етказиб беришди. «Оқ олтин» мавсуми охиригача яна 10 минг тонна қимматли хом ашё тайёрланади.

### МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

● АНДИЖОН. Балиқчи районидаги «Коммунист» колхози аъзолари 3573 тонна, Олтинкўл районидаги «Тошкент» колхози эса 2428 тонна «оқ олтин» тайёрлаб маррага етди. Бу хўжаликларда ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда.

### ХЎЖАЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИ

● ТОШКЕНТ. Бўка районидаги «Ленинобод» колхози, Ғалаба районидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли совхоз пахтакорлари юбилей йили планини бажардилар. «Ленинобод» колхози республика хирмонига 2700 тонна, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли совхоз пахтакорлари эса 11225 тонна хом ашё етказиб бердилар.

### ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

● СИРДАРЁ. «Юбилей йили хирмонига 7500 тонна пахта етказиб бериб, йиллик маррани эгалладик» дейилади Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорларидан олинган рапортда. Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь» колхози меҳнатчилари эса 5060 тонна «оқ олтин» тайёрлаб дастлабки маррани эгаллашди.

### МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

● НАМАНГАН. Уйчи районидаги «Комсомол» колхози пахтакорлари 2675 тонна пахта тайёрлаб, йиллик планни муддатидан илгари муваффақиятли адо этдилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига яна 245 тонна пахта тайёрлашга аҳд қилинди.

# БИРЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАН

## Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXIX мажлиси

**ГАВАНА, 30 октябрь. ТАСС махсус мухбири В. Таланов хабар қилади: Социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг раҳбарлигида социализм ва коммунизм қурилишида ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг шу йил июнь ойида Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги Иқтисодий кенгаши социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва чуқурлаштиришда, тинчлик ва тараққиёт йўлида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим босқич бўлди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг кеча Куба Республикаси пойтахтида очилган XXXIX мажлисида Иқтисодий кенгаш қарорлари амалга оширилишининг дастлабки якунлари тўғрисида, ҳозирги шароитда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳар томонлама алоқаларини янада такомиллаштириш истиқболлари ҳақида гап бормоқда.**

**Сессия ишида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг делегациялари, шунингдек Югославия делегацияси иштирок этмоқда. Бир қанча мамлакатлардан кузатувчилар қатнашмоқда.**

Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси **Ф. Кастро** мажлисни очиб, сессия иштирокчиларини самимий табриклади.

Гаванадаги мажлис, деди у, тинчликка таҳдид айниқса кучайган бир вазиятда, Лотин Америкасида ва Кариб ҳавзасида империалистларнинг қуролли бостириб кириш хавфи туғилган бир пайтда ўтмоқда. Америка маъмуриятининг «тинчлантирувчи» сўзларига қарамай, Оқ уй ўзининг қуролланиш пойгасини авж олдириш сиёсатини ўзгартиргани йўқ.

Яқинда Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш Баёнотида империализм доиралари, биринчи навбатда Америка империализми ўтказаётган агрессия ва муҳолифлик сиёсати қатъиян қораланди, уларнинг дўқ-пўписаларига кескин жавоб берилди, социализмнинг тинч сиёсий муддаолари яна бир бор аниқ-равшан, масъулият ҳисси билан вазмин ифода этилди.

НАТО блоки давлатларнинг чегаралари яқинида жойлашган ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган Европа мамлакатлари ядро хавфи туғилаётганлиги сабабли хавфсизлик манфаатларини кўзлаб ўз территорияларида ядро каллаклари бўлган ракеталарни жойлаштиришга мажбур бўлдилар. Улар Москва кенгаши вақтида тинчликка бўлган интилишларини тасдиқладилар. Бу интилиш — бузилмасдир, чунки улар шу мамлакатлар фаолиятининг ўзгармас принципидир.

Кичик оролимиз атрофида бир неча йилдан буён, шу жумладан, ҳозир ҳам агрессив машқлар ўтказилмоқда, деб уқтирди нотиқ. Қўшма Штатлар қонунга хилоф равишда эгаллаб турган Куба территориясида жойлашган Гуантанамо оролидаги АҚШ ҳарбий базаси бизга доимо хавф солиб турибди. Шунга қарамай, Куба делегацияси бу проблемани Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг мажлисида муҳокама қилинадиган мавзуга айлантирмоқчи эмас. Бу кенгаш асосан қардош социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларига бағишлангандир.

(Давоми учинчи бетда).

## ОЛИМЛАРНИНГ ТАВСИЯЛАРИ — ПРАКТИКАГА

30 октябрь куни Тошкентда ўсимликларнинг сув режимига бағишланган Бутуниттифоқ симпозиуми иш бошлади. Москва, Ленинград, мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган таниқли биолог олимлар ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилигини тадқиқ этиш натижаларини, сув танқис бўлган шароитларда уларнинг маҳсулдорлиги масалаларини, бошқа муҳим проблемаларни муҳокама қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми қарорларидан, ўртоқ К. У. Черненконинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Симпозиум қатнашчилари ўсимликларнинг, шу жумладан ғўзанинг сув режими масалаларини ўрганаётган Ўзбекистон олимларининг фаолияти билан танишмоқдалар.

(ЎзТАГ).

## МУКОФОТ МУБОРАК, ЛАУРЕАТЛАР!

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюроси адабиёт, санъат, журналистика ва архитектура соҳасида Ўзбекистон Ленин комсомолининг 1984 йилги мукофотларини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриётининг ўсмирлар учун бадиий абадиёт редакциясининг мудири Хуршид Давронов «Қушлар билан учиб келаман», «Тўмариснинг кўзлари», «Тунги боғлар» шеърий тўпламлари учун, «Совет Ўзбекистони» газетасининг мухбири Абдуқодир Ниёзов БАМ ва Ноқоратупроқ ўлканинг ёш қурувчиларига бағишланган очерклар туркуми ва мақолалари учун, Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг солисти Надежда Чурадаева ва Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг солисти Ғулом Ёқубов, М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат хизмат кўрсатган халқ рақс ансамблининг балет артистлари Нурхон Зулимова ва Малика Ҳайдарова, Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият уйининг «Бахтиёр болалик» хореография ансамбли лауреат бўлишди.

(ЎзТАГ).

## САМИМИЙ ДЎСТЛИК САМАРАСИ

30 октябрь куни Тошкентда Совет — Финляндия ойлик расмли «Мир и мы» («Дунё ва биз») журнали редакцион кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Журнални Хельсинкида «СССР — Финляндия» ва «Финляндия — СССР» жамиятлари биргалашиб нашр этади. У икки мамлакат журналхонларига маълум бўлганига 15 йилдан ошди. Кенгаш ишида СССР ва Финляндиянинг таниқли жамоат арбоблари, ёзувчилари, журналистлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар — редакцион кенгаш аъзоси, Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти лауреати, Доғистон халқ шоири Р. Ҳамзатов, «Финляндия — СССР» жамияти раисининг ўринбосари, ҳукумат маслаҳатчиси М. Кекконен ва бошқалар журнал давлатларимиз ўртасида самимий дўстлик ва ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганлигини айтдилар.

Мажлисда қилинган ишлар якунланди, келаси йилги режалар тасдиқлаб олинди. Бунда фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга, ёшлар ва студентларнинг Москвадаги жаҳон фестивалига тайёргарлик кўришга катта ўрин берилади.

Шу куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов журнал редакцион кенгаши аъзоларини қабул қилди.

(ЎзТАГ).

